



Vebsayt: <https://involta.uz/>

ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ НОРМА, СТАНДАРТЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎРНИ

Абдувалиев Мақсуджон Абдурашид ўғли

Тошкент давлат юридик университети “Маъмурий ва молия ҳуқуқи”

кафедраси ўқитувчиси,

Махсимов Абдували Ибрагимович

Mosotdelstroj AJ xodimi

Аннотация. Ушбу мақолада юртимизда қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан янада ривожлантириш учун у билан боғлиқ бўлган халқаро нормалар таҳлил қилинди. Уй-жой қурилиши соҳасидаги нормаларнинг ўрни, у билан боғлиқ бўлган халқаро индикаторлар, улардаги ўзгаришлар давлат ва жамиятнинг халқаро ҳуқуқдаги ўрнига қай даражада таъсир қилишини ўрганиш асосий мақсадлардан биридир. Бунда Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳасининг ҳозирги ҳолати ва уни халқаро нормаларга мослаган ҳолда ривожлантириш ҳуқуқий йўналиш сифатида белгилаб олинган. Бир қатор ривожланган давлатлар қурилиш соҳасидаги стандартларнинг ҳуқуқий асослари ёритиб берилган. Олиб борилган тадқиқотнинг асосий мазмуни қурилиш соҳасидаги маъмурий

муносабатларда халқаро ҳуқуқ нормалари ва чет давлатлар тажрибасини таҳлил қилишдир. Шу билан биргаликда, соҳадаги норма ижодкорлиги жараёнини янада ривожлантириш учун тегишли хулосалар чиқарилган. Тадқиқот объектини тавсифловчи асосий кўрсаткични белгилашда тегишли халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларга таянилади.

Калит сўзлар: қурилиш, норматив ҳуқуқий ҳужжат, Жаҳон банки, индикатор, Еврокодлар, Британия стандартлари, Хитой миллий қурилиш стандартлари, Корея қурилиш кодлари, Қурилиш меъёрлари ва қоидалар, АҚШ халқаро қурилиш кодлари, Япония миллий стандартлари.

**НОРМЫ И СТАНДАРТЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА,
РЕГУЛИРУЮЩИЕ СТРОИТЕЛЬНУЮ ОТРАСЛЬ, И ИХ РОЛЬ В
НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ**

Абдувалиев Максуджон Абдурашид угли,

Преподаватель кафедры «Административное и финансовое право»

Ташкентского государственного юридического университета

Максимов Абдували Ибрагимович,

Сотрудник Моотделстрой АО

Аннотация. В данной статье предпринята попытка проанализировать соответствующие международные нормы для дальнейшего правового развития реформ в строительном секторе Республики Узбекистан. Одна из основных задач исследования – определение роли норм в жилищной сфере, соответствующих международных показателей, степени влияния их на место государства и общества в международном праве. При этом современное состояние строительной отрасли Республики Узбекистан и ее развитие в соответствии с международными стандартами определено как правовое направление. Освещена правовая основа строительных норм ряда развитых стран. Основное содержание исследования – это анализ норм международного

права, опыта зарубежных стран в административных отношениях в сфере строительства. В то же время сделаны соответствующие выводы для дальнейшего развития процесса нормотворчества в этой области. При определении основного показателя, характеризующего объект исследования, можно опираться на данные соответствующих международных организаций.

Ключевые слова: строительство, нормативный правовой документ, Всемирный банк, индикатор, Еврокоды, британские стандарты, китайские национальные строительные стандарты, корейские строительные нормы и правила, строительные нормы и правила, международные строительные нормы США, японские национальные стандарты.

**NORMS AND STANDARDS OF INTERNATIONAL LAW GOVERNING
THE CONSTRUCTION INDUSTRY AND THEIR ROLE IN NATIONAL
LEGISLATION**

Abduvaliev Maksudjon Abdurashid ugli,

*Teacher of the Department of Administrative and Financial Law at Tashkent State
University of Law*

Maxsimov Abduvali Ibragimovich

Mosotdelstroj Joint Stock Company employee

Abstract. This article seeks to analyze the relevant international norms for the further legal development of reforms in the construction sector of the Republic of Uzbekistan. One of the main objectives of the study is the role of norms in the field of housing, the relevant international indicators, the extent to which changes in them affect the place of the state and society in international law. At the same time, the current state of the construction industry of the Republic of Uzbekistan and its development in accordance with international standards has been identified as a legal direction. The legal basis of construction standards of a number of developed countries is covered. The main content of the study is to analyze the norms of

international law, the experience of foreign countries in administrative relations in the field of construction. At the same time, appropriate conclusions have been drawn for the further development of the norm-making process in the field. In determining the main indicator characterizing the object of research, it is possible to rely on the data provided by the relevant international organizations.

Keywords: construction, normative legal document, World Bank, indicator, Eurocodes, British standards, Chinese national building standards, Korean building codes, Building norms and regulations, U.S. international building codes, Japanese national standards.

Кириш

Сўнги йилларда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бу қурилиш соҳасидир. Қисқа муддат ичида нафақат пойтахтимиз Тошкент шаҳри, балки бутун республика ҳудуди қурилиш майдонларига айланиб, инсонларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда. Бу жараёнда қурилиш ишларининг доимий равишда ўсиб бориши, у билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг ривожланиши ва ҳар бир босқичдаги муносабатларни ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солиш эски нормаларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Мавзу долзарблигини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан келтириб ўтилган фикрларга эътибор қаратамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 3 март куни уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида келтириб ўтилган фикрларга кўра, “Ўтган тўрт йилда *140 мингта* уй-жой барпо этилиб, йилига қурилган уйларнинг ўртача сони таққосланганда, бу аввалги даврдаги кўрсаткичдан 4-5 баравар кўпдир. Шу мақсадда жорий йилда *54 минг* оилани уй-жой билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Жумладан, давлат ипотека дастури доирасида жами 45 мингта уй қурилади” [1].

Талабни қондириш учун давлат томонидан қурилиш ишлари олдинги йилларга нисбатан 4 ёки 5 баробар ўсганлиги таъкидланмоқда ва бу муносабатларнинг ҳам шу баробар даражада тезлашганлигидан далолат беради. Норма ижодкорлигини муносабатлар билан биргаликда олиб бориш учун норма ижодкорларидан кўпроқ яратувчанлик қобилияти талаб этилади. Шу билан биргаликда, мавжуд стандартлар, халқаро нормаларни ўрганиш соҳада келиб чиқиши мумкин бўлган рискни камайтиради.

Қурилишлар сони ортиши ва аниқ белгилаб ўтилган нормаларга қатъий риоя этилиши турли муаммоларни бартараф этишни талаб қилади. Бу жараёнда халқаро норма ҳамда стандартлардан фойдаланиш норма орқали амалиётда келиб чиқиши мумкин бўлган хавф ва муаммоларни камайтириб, муносабатни тезроқ тартибга солиш кераклигини англатади. Бу орқали халқаро норма ҳамда стандартлардан фойдаланишнинг лозимлиги мавзу долзарблигини ошириб, тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Материал ва методлар

Ушбу мақолада юртимизда қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан янада ривожлантириш учун у билан боғлиқ бўлган халқаро нормалар таҳлил қилинган. Уй-жой қурилиши соҳасидаги нормаларнинг ўрни, у билан боғлиқ бўлган халқаро индикаторлар, улардаги ўзгаришлар давлат ва жамиятнинг халқаро ҳуқуқдаги ўрнига қай даражада таъсир қилишини ўрганиш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари

Олиб борилган тадқиқотнинг асосий мазмуни қурилиш соҳасидаги маъмурий муносабатларда вужудга келувчи ҳолатларни бартараф этиш учун қонунчилик ривожланишини таҳлил қилишга қаратилгандир.

Қурилиш соҳасидаги норма ижодкорлигининг янгиликларга муҳтож эканлиги қурилиш билан боғлиқ бўлган халқаро кўрсаткичларда ҳам намоён бўлмоқда. Миллий қонунчиликда халқаро ҳуқуқ норма ва стандартларидан фойдаланиш амалиётининг жорий этилишини бир қатор мисоллар орқали

кўриб ўтамыз.

Назарий жиҳатдан халқаро ҳуқуқ нормаларининг муҳимлиги ҳақида олимларнинг фикрига тўхталамиз. *И.Н. Лебединецнинг* қарашича, «Халқаро ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари сифатида, уларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш орқали индивидуал ёки коллегиял тартибда қабул қилинади» [2, 558-б.].

Бундан келиб чиқадики, халқаро ҳуқуқ нормалари, асосан, белгиланган тартибда коллегиял шаклда қабул қилиниб, кўпчилик давлатлар миллий қонунчилик тизимига жорий қилинган. Бунинг миллий қонунчиликка татбиқ этилиши қурилиш соҳасидаги бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан биргаликда бир хил муносабатларга киришиш имкониятини беради.

Шу орқали олиб бормоқчи бўлган тадқиқотимизнинг асосий мақсадларидан бири миллий қонунчиликда қурилиш соҳасидаги нормаларнинг қўлланилиши ҳамда бу билан боғлиқ бўлган халқаро стандартлар талабларини ҳам ўрганишдан иборатдир.

Қурилиш соҳасидаги давлатларнинг норма ва стандартларини қуйидаги икки ёндашувга бўлиб ўрганамиз:

Doing Business Report – қурилиш соҳасида йўналишга эга индикатор сифатида;
Давлатларнинг миллий стандартлари – қурилиш соҳасида кенг қўлланилувчи стандартлар сифатида.

Doing Business халқаро ташкилотлар ҳамда иқтисоди юқори кўрсаткичларга эга ва кўплаб инвесторлар томонидан давлатларга инвестиция киритиш учун қўлланилувчи индексдир. Унда Ўзбекистон Республикасининг тутган ўрнига алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Чунки индикаторда давлатларнинг қурилиш соҳасида тегишли ўринларни эгаллашларида ўз таъсирини ўтказувчи йўналиш мавжуд. Жаҳон банки гуруҳи томонидан 2005 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган тадқиқотга биноан, дунёнинг 190 дан ортиқ давлатларида бизнес юритиш қулайлиги 10 та кўрсаткич

(индикаторлар) ёрдамида аниқланган. Булар корхоналар ташкил этиш, қурилишга рухсат олиш, электр таъминоти тизимига уланиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, инвесторларни ҳимоя қилиш, солиқ солиш, халқаро савдо, шартномаларнинг бажарилиши ва банкротлик тўғрисидаги қарорлардир (банкротлик тартиби) [3].

Ҳар бир ҳолат йўналишининг яхшиланиши фақатгина давлатнинг халқаро поғонадаги ўрнини яхшилабгина қолмай, балки шу билан биргаликда миллий қонунчилик ривожланиши учун ҳам хизмат қилиб келади. Бу, албатта, ҳуқуқ устуворлигини ҳам таъминлайди.

Фикримизни ҳуқуқ устуворлиги бўйича М. Абдувалиев келтириб ўтган фикр орқали далиллаймиз: “Норма ижодкорлиги орқали норматив ҳужжатларнинг ривожлантириб борилиши Ўзбекистонда ҳуқуқ устуворлиги (Rule of Law) таъминланишига хизмат қилади” [4, 53–57-б.].

Тадқиқотда асосий фойдаланилган манба бу Doing business томонидан ҳар йили олиб борадиган ҳисоботлар бўлиб, бу ҳисоботлар бутун давр давомида кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни баҳолаш ва уларни амалда қўллаш тартибига (ижро этишга) бағишланади. Тадқиқот объектини биринчи ёндашув бўйича халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар ташкил этади. Шу каби ҳисоботларнинг бирида Ўзбекистон Республикаси юқоридаги кўрсаткичнинг индикаторлари бўйича қуйидаги натижаларга эришган.

Жадвал

| Т/Р | Индикаторлар | Ўрин |
|-----|---|------------|
| 1 | Корхоналар ташкил этиш | 8 |
| 2 | Қурилишга рухсат олиш | 132 |
| 3 | Электр таъминоти тизимига уланиш | 36 |
| 4 | Мулкни рўйхатдан ўтказиш | 72 |
| 5 | Кредит олиш | 67 |
| 6 | Инвесторларни ҳимоя қилиш | 37 |
| 7 | Солиқ солиш | 69 |
| 8 | Халқаро савдо | 152 |
| 9 | Шартномаларнинг бажарилиши | 22 |
| 10 | Банкротлик тўғрисидаги қарор (банкротлик тартиби) | 100 |
| | Гуруҳ ичида рейтинг | 69 |

Ўзбекистон қурилишга рухсат олиш бўйича 132-ўринни эгаллаб, қолган индикаторлар билан бирга ҳисоблаганда 69-ўринни қайд этган. Бунда натижалар жами 10 та индикатор бўйича биргаликда ҳисобланиб, 10 га бўлинган ва 69-ўрин келиб чиққан. Индикаторда энг паст кўрсаткичлардан бири бу қурилиш соҳасига рухсат олиш бўлиб, ушбу соҳада республикада туб ўзгаришлар олиб боришни талаб этади.

Қурилишга рухсат олиш йўналиши бўйича украиналик олимлардан Т.М. Чечетова-Терашвілі, Ю.М. Малишколар ўз фикрларини билдириб ўтган: “Омбор қурилиши билан боғлиқ процедуралар, вақт ва молиявий харажатлар, шу жумладан, зарур лицензия ва рухсатномалар олиш, керакли хабарларни бериш ва мажбурий текширувлар ўтказиш, шунингдек, коммунал хизматларга уланиш жараёнларини кузатиб бориш имкони қанчалик даражада яратилганлиги қурилишга рухсат олиш бўйича тегишли натижаларни ҳисоблаб боради” [5, 16-б.].

Ҳуқуқнинг ўрни ҳақида О. Тиуновнинг фикрига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, “Беларусь Республикаси мисолида кўрадиган бўлсак,

"Қурилиш ишлаб чиқарилиши Беларусь иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва республика ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) тахминан 6-8 %ни ташкил этади. Бу иқтисодий фаолиятнинг кўп қиррали ва кўп функцияли туридир. Қурилишни ривожлантириш стратегияси 1994 йилда ташкил этилган Беларусь Республикаси ҳукумати ва Беларусь Республикаси Архитектура ва қурилиш вазирлиги томонидан белгиланади" [6, 7-б.].

М. Бердикуловнинг фикрига кўра, ўтган 5 йил мобайнида Ўзбекистон Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш ҳисоботлари" рейтингда дунёнинг 190 мамлакати орасида 146-ўридан 76-ўринга кўтарилди.

Умуман олганда, ислоҳотларнинг бу муваффақиятларининг асоси – тадбиркорлик фаолияти соҳасини такомиллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳити ва мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини яратиш бўлиб, буни сўнгги бир неча йил мобайнида қабул қилинган мустаҳкам қонунчилик базаси ва тартибга солиш жараёнлари такомиллашувида кўришимиз мумкин [7, 78-б.].

Индикаторнинг маълумотлар тўплаши, асосан, қурилиш соҳасидаги мутахассисларни лицензиялаш бўйича бўлиб, хусусан, архитекторлар, қурилиш муҳандислари, қурилиш ҳуқуқшунослари, қурилиш компаниялари, коммунал хизмат ва давлат хизмати кўрсатувчиларга рухсат бериш ва тасдиқлаш жараёнлари орқали амалга оширилади [8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5963-сонли Фармонига кўра, қурилиш соҳасидаги бир қатор камчиликларни бартараф этиш чоралари таъкидлаб ўтилиб, уларни бартараф этиш учун тегишли йўналишлар бўйича ечимлар белгилаб берилди.

Унда белгилаб ўтилган асосий жиҳатлардан бири Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан

тартибга солишга доир миллий норматив хужжатлар билан бир вақтда қўлланилишига рухсат этиладиган хорижий норматив хужжатлар рўйхати, яъни ривожланган давлатлар ёки ҳудудларнинг стандарти сифатида қуйидагилар ҳам қўлланилиши белгиланди.

1-жадвал

| T/p | Норматив хужжатлар номи | Давлатлар |
|-----|--|-------------------------|
| 1 | Еврокодлар (European Codes, ES) | Европа Иттифоқи |
| 2 | Британия стандартлари (British Standards, VS) | Буюк Британия |
| 3 | Хитой миллий қурилиш стандартлари (GB, CJ, JC, JG va boshqalar) | Хитой Халқ Республикаси |
| 4 | Корея қурилиш кодлари (Korean building code, KVS) | Корея Республикаси |
| 5 | Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (СНиП) | Россия Федерацияси |
| 6 | АҚШ халқаро қурилиш кодлари (International building code, IBC) | Америка Қўшма Штатлари |
| 7 | Япония миллий стандартлари (Japanese Industrial Standards, JIS) | Япония |

Юқорида келтирилган кенг қўлланилувчи стандартлардан бири – бу Европа Иттифоқининг Еврокодлари бўлиб, ҳамжамиятнинг 20 дан ортиқ Европа давлатлари ички бозорининг шаклланиши ва фаолиятига ҳисса қўшиш учун қабул қилинган. Уларнинг ичида қурилиш маҳсулотлари ва муҳандислик хизматлари эркин айланишига тўсқинлик қиладиган номутаносибликларни бартараф этиш асосий мақсад қилиб белгиланган эди. Мазкур стандарт Европа қурилиш соҳасида бир хил даражадаги хавфсизликни таъминлаб келмоқда. Ўзбекистонда 2028 йилга қадар амал қилиниши белгиланган халқаро

стандартлардан бири сифатида Европа Иттифоқининг Еврокоди келтирилган ва бу стандарт бугунги кунда амалиётда қўлланиб келинмоқда.

М. Ҳоликйн, Ж. Марковаларнинг фикрларига кўра, Еврокодларнинг ҳозирги авлоди 58 қисмдан иборат бўлиб, бу Европа тизим кодларини уйғунлаштиришда катта ютуқдир. Еврокодлар FIB, JKSS, IABSE, RILEM, SEN ва ISO стандартлаштириш қўмиталари, шу жумладан, Европа ва халқаро илмий ташкилотларнинг техник кўмагида ишлаб чиқилган [9, 11-б.].

Миллий қонунчиликда чет эл тажрибасини қўллаш қурилиш соҳасидаги маъмурий тартиб-таомиллар ва соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқишга туртки бўлади, деб ўйлаймиз. Халқаро тан олинган нормалардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам фойдаланила бошлангани бу миллий қонунчиликка ўзгартириш киритишга асос бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Тадқиқот олиб бориш натижаси, Doing business халқаро индикаторининг қурилишга рухсат олиш йўналишини баҳолашдаги асосий йўналишларда қандай ўзгаришлар амалга оширилишидир. Таҳлил натижасида, қурилишга рухсат олиш индикатори қуйидаги икки асосий йўналишда олинган маълумотлар ҳамда индикаторлардан келиб чиққан маълумотлар асосида давлатларнинг ўринларига таъсирини кўрсатади [8].

Биринчиси, қурилиш соҳасида рухсат бериш тизимининг самарадорлигини аниқлаш бўлиб, қурилиш компанияси ҳақидаги тахминлар, омбор тахминлари, коммунал хизматларга уланиш ҳақидаги тахминлар, процедуралар, вақт, харажатлар ҳақида маълумотлар тўплашдан иборат.

Ж. Абдуллаева олиб борган тадқиқотга кўра, “Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон Республикасида Doing business индикатори бўйича кўрсаткичлар юқори бўлиб, 2018 йилги кўрсаткичларга биноан мазкур давлат 36-ўринни эгаллаган бўлиб, қурилишда рухсат олиш тизими бўйича 73,30 кўрсаткич билан 52-ўринни қайд этган” [10, 63-б.].

Бу каби қурилиш соҳасини тартибга солувчи процедуралардан бўлган

хуқуқий ҳужжатлар такомиллашувини янада ошириш талаб этилади. Бунда қурилиш компанияси ташкил этилишидан тортиб объектлар қурилиши учун кетадиган вақтга қадар бўлган жараённи оптималлаштириш лозим. Бу жараёнда Қозоғистон Республикаси тажрибасини ўрганиш қўл келиши мумкин. Бу, албатта, процедурани енгиллаштириш, халқаро кўрсаткичлардаги давлатлар ўрнини янада яхшилашга хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, сифатли қурилиш назорати бўйича Жаҳон банки томонидан қуйидаги 7 индексдан иборат тадқиқотлар олиб борилиб, уларни ҳам қайд қилиш ўринлидир. Улар қуйидагилар:

- ❖ қурилишни тартибга солувчи сифат индекси;
- ❖ қурилиш олдидан сифат назорати индекси;
- ❖ қурилиш пайтида сифат назорати индекси;
- ❖ қурилишдан кейинги сифат назорати индекси;
- ❖ юридик жавобгарлик ва суғурта даражаси индекси;
- ❖ мутахассисларнинг касбий малака даражаси индекси;
- ❖ қурилиш назорати сифат индекси.

Б.Л. Лавровский, И.А. Мурзов, И.В. Поздняковаларнинг фикрларига кўра, “Россия Федерацияси қурилиш соҳасида рухсат олиш тизими бўйича 2013 йилда 180-ўринни эгаллаган бўлиб, умумий кўрсаткичда 62-ўринни банд қилган” [11, 8-б.].

2020 йилда Россия Федерацияси қурилиш соҳасида рухсат бериш тизими бўйича 26-ўринни эгаллади. Ўзбекистон қурилиш соҳасида рухсат бериш тизимини такомиллаштириш бўйича чет эл тажрибаси сифатида Россия Федерацияси томонидан қисқа вақт ичида олиб борилган ислоҳотлардан фойдаланиши фойдали бўлиши мумкин.

Қурилиш соҳасида тадқиқотлар натижасини тезлик билан қўллаш лозимлиги ва 2021 йилда уй-жойлар қурилишини амалга ошириш режасини келтириб ўтамиз: Қорақалпоғистонда – 2290 та, Андижонда – 4665 та, Бухорода – 3220 та, Жиззахда – 1670 та, Қашқадарёда – 3710 та, Навоийда –

1836 та, Наманганда – 4025 та, Самарқандда – 4479 та, Сурхондарёда – 3989 та, Сирдарёда – 1414 та, Тошкент вилоятида – 4046 та, Фарғонада – 4530 та, Хоразмда – 3016 та ва Тошкент шаҳрида 7556 та уй-жой қуриб битказилиши режалаштирилган [12].

Мавзунинг иккинчи тарафи сифатида Европа Иттифоқи Еврокодларини ўрганиш жараёнида қуйидаги йўналишлар бўйича стандартлар келтирилган бўлиб, уларни ҳам ўрганиш талаб этилади. Булар: структуравий дизайн асослари (EN 1990); тузилмалар бўйича ҳаракатлар (EN 1991); бетон дизайни (EN 1992); пўлат (EN 1993); композит пўлат ва бетон (EN 1994); ёғоч (EN 1995); тош (EN 1996) ва алюминий (EN 1999) конструкциялари; геотехник дизайн билан биргаликда (EN 1997) ҳамда зилзилага чидамли тузилмаларни лойиҳалаш, баҳолаш ва модернизация қилиш (EN 1998).

Қурилиш соҳасининг барча бўғинларида унга мос бўлган нормаларнинг тўлиқ қўлланилишида Еврокод каби халқаро стандартларни таҳлил қилиш талаб этилади. Чунки келажак Ўзбекистонда қўлланилиши учун рухсат берилган стандартлар, уларни ҳозирдан таҳлил қилиб боришни талаб этади.

Хулосалар

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

Биринчидан, миллий қурилиш соҳасини ривожлантириш асоси давлатлар томонидан қабул қилиниб, ривожлантириб бориладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга боғлиқдир. Бунда қатор давлатлар томонидан тан олинган ҳуқуқ нормалари ва стандартларини ўрганиб бориш соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга олиб келади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда қурилиш соҳасидаги муносабатларнинг бир неча баробар ўсишига эришиш уни ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солишни такомиллаштиришни талаб этади. Бунда халқаро норма ва стандартларни норма ижодкорлиги жараёнига жалб этиш лозим.

Учинчидан, халқаро рейтинглардан бири сифатида Doing business

индексининг қурилиш соҳаси бўйича натижалари эълон қилиниб, Ўзбекистоннинг тутган ўрни бўйича миллий қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши, қурилиш соҳасини ислоҳ қилишни талаб этади. Бунда Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, миллий қонунчиликда чет эл норма ҳамда стандартларининг қўлланилиши, уларни ўрганиш билан биргаликда, норма ижодкорлигини ҳам ривожлантириб боришни талаб этади.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh. Ipoteka krediti bo‘yicha moliyaviy resurslardan yetishmovchilik bo‘lmaydi [There is no shortage of financial resources for mortgage loans]. Available at: <https://xs.uz/uz/51486/>.
2. Mezhdunarodnoe pravo. Lebedinets I.N. Globalistika. Enciklopediya [International law. I.N. Lebedinets Globalistics. Encyclopedia]. Moscow, 2003, p. 558.
3. Abduvaliev, M. (2020). Invalidity of agreements in civil law-an analysis of the experience of Uzbekistan and Japan. TSUL Legal Report International electronic scientific journal, 1(1).
4. Doing Business rankings. Available at: <https://www.doingbusiness.org/en/rankings/>.
5. Chechetova-Terashvili T.M., Malishko Y.M. Analiz nedolikov metodologi mijnarodnogo reytingu «Doing business». Svitova yekonomika ta mijnarodni vidnosini [Analysis of the shortcomings of the methodologies of the international rating "Doing Business". World economy and international relations]. Problemy jekonomiki – Economic problems, 2014, no. 3, p. 16.
6. Jekonomika stroitel'stva. Uchebnoe posobie. O.C. Golubova, L.K. Korban [Construction economics. Tutorial. O.S. Golubova, L.K. Korban]. Minsk, Visheyshaya shkola Publ., 2021, p. 7. ISBN 978-985-06-3318-7.

7. Berdikulov M.A. Strengthening of Uzbekistan position in the rating of “Doing business”. Yuridik fanlar axborotnomasi – Review of Law Sciences, 2019, no. 1, pp. 77-80.
8. Doing Business provides objective measures of business regulations for local firms in 190 economies. Available at: <https://russian.doingbusiness.org/ru/methodology/dealing-with-construction-permits/>.
9. Holicky M., Markova J. Implementation and application of eurocodes. ISSN 1997-0935. Vestnik MGSU – MGSU Bulletin, 2012, no. 10, p. 11.
10. Abdullaeva Ju.A. K voprosu o rejtinge Doing business Respubliki Kazahstan [To the question of the rating of Doing Business of the Republic of Kazakhstan]. Innovacii i investicii – Innovation and investment, 2018, no. 8, p. 63.
11. Lavrovskij B.L., Murzov I.A., Pozdnjakova I.V. Doing Business i fenomen Rossii [Doing Business and the Russian Phenomenon]. Makroekonomicheskij analiz, metody i rezul'taty – Macroeconomic analysis, methods and results, p. 8.
12. 2021-yilda 54 ming oilani uy-joy bilan ta'minlashimiz zarur [In 2021, we need to provide housing for 54,000 families]. Available at: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/03/04/families/#!/>.
13. Batynkov A.P. Samoregulirovanie v stroitel'stve: problemy i puti reshenija. Department of Organization and Management in Construction, St. Petersburg State University of Economics. Saint Petersburg, p. 4.
14. Bandorin L. E., Holopik K. V. Gradoregulirovanie i administrativnye bar'ery [Urban regulation and administrative barriers. Questions of state and municipal administration]. Voprosy gosudarstvennogo i municipal'nogo upravlenija – State and municipal management issues, 2007, vol. 2, no. 2 (3), p. 185.
15. Butaeva E.M. Polnomochija organov mestnogo samoupravlenija [Powers of local self-government bodies. Business in law]. Biznes v zakone – Business in law, 2008, no. 3, p. 21.

16. Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha respublika idoralararo komissiyasining qarori [Resolution of the Republican Interagency Commission on Combating Corruption]. Available at: <https://minjust.uz/uz/press-center/news/97759/>.
17. Bakhodirov, J. B. (2021, December). ISSUES OF IMPROVING THE ACTIVITIES OF THE PROSECUTOR'S OFFICE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 58-66).
18. Maksudjon, A. (2020). DEVELOPING NORM CREATIVITY IN THE PROCESS OF ENSURING THE RULE OF LAW IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Review of law sciences, 1*(Спецвыпуск).
19. Maksudjon, A. (2020). CONSTITUTIONAL CONCEPTS OF THE RIGHT TO FREEDOM OF MOVEMENT FROM ONE PLACE TO ANOTHER AND LEGAL RESTRICTIONS (EXAMPLE OF REGISTRATION SYSTEM). *Review of law sciences, (4)*, 6-9.
20. Жураев, Ш. Ю. (2020). Экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи ва хорижий амалиёт. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SPECIAL 5)*.
21. Juraev, S. (2021, November). THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF STATE-LEGAL REGULATION OF LEGAL RELATIONS ON ENVIRONMENTAL SAFETY. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 111-117).
22. Жураев, Ш. (2020). ПРАВО НА ЭКОЛОГИЧЕСКИ БЕЗОПАСНУЮ ЖИЗНЬ И ЗАРУБЕЖНАЯ ПРАКТИКА. *Review of law sciences, 4*(Спецвыпуск).
23. O'G'Li, Z. J. K. (2020). Administrative Reforms In The Republic Of Uzbekistan: Some Problems And Prospects. *The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2*(12), 1-4.

24. Зоилбоев, Ж. (2021). ADMINISTRATIVE REFORMS OF EDUCATION SYSTEM IN UZBEKISTAN. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SPECIAL 1)*.
25. Zoilboev, J. (2021). A NEW PROCEDURE FOR RESOLVING INVESTMENT DISPUTES IN A JUDICIAL ORDER. INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES, 1 (01), 209–213.
26. Javlon Karimjon, O. G. Li Zoilboev.(2021). Requirements For The Adoption And Administration Of An Administrative Document (Act) By Public Administration Bodies. INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES, 137–141.
27. Zoilboev, J. (2022). CONFLICT OF INTEREST AND THE FIGHT AGAINST IT ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(1), 29-40.
28. Zoilboev, J., & Cyman, D. (2022). CONSUMER PROTECTION: ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN AND THE EUROPEAN UNION. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876*, 16(01), 1-8.
29. Yusupov S. LEGAL REGULATION OF PARLIAMENTARY CONTROL OVER THE STATE BUDGET //International Scientific and Current Research Conferences. – 2021. – C. 159-163.
30. Yusupov S. SOME ISSUES OF PARLIAMENTARY CONTROL OVER THE STATE BUDGET IN THE CONSTITUTION LEGAL ORDER //International Scientific and Current Research Conferences. – 2021. – C. 107-110.
31. Sardorbek Y. ANALYSIS OF PROBLEMS IN THE PROCESS OF PARLIAMENTARY CONSIDERATION OF BUDGET EXECUTION REPORTS IN UZBEKISTAN //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. – T. 1. – №. 1.4 Legal sciences.

32. Юсупов С. Б. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ //ЮРИСПРУДЕНЦИЯ. – 2021. – Т. 2. – №. 1.

33. Bakhodirovich Y. S. International Legal Bases of Parliamentary Control Over the State Budget: On the Example of Inter-Parliamentary Institutions //International Journal of Development and Public Policy. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 130-134.

34. Юсупов С. Б. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2021. – №. SPECIAL 3.

35. Sardorbek Y. ANALYSIS OF PROBLEMS IN THE PROCESS OF PARLIAMENTARY CONSIDERATION OF BUDGET EXECUTION REPORTS IN UZBEKISTAN //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. – Т. 1. – №. 1.4 Legal sciences.

36. Goziev, K. (2021, December). PRINCIPLES OF TAX LEGISLATION. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 9-12).

37. Goziev, K. (2021, November). DEMOCRATIZATION OF STATE POWER AND GOVERNANCE IS AN IMPORTANT CONDITION FOR THE PRINCIPLE OF SEPARATION OF POWERS. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 124-132).

38. Жураев, А. Н. (2021). REPRESENTATIVE INSTITUTE FOR THE PROTECTION OF THE RIGHTS AND LEGAL INTERESTS OF BUSINESS ENTITIES IN ENSURING THE RULE OF LAW. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SPECIAL 1).

39. Жураева, А. Б. (2020). PRIOR RIGHTS IN TRADEMARK IN UZBEKISTAN, CHINA AND GERMANY COMPARATIVE STUDY.

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ, 1(1).

40. Akhrorov, A. (2021). ENVIRONMENTAL CONTROL OF PUBLIC ADMINISTRATION BODIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.

41. Khudoyberganova, M. . (2021). THE ROLE OF PUBLIC ADMINISTRATION IN THE DEVELOPMENT OF PHARMACEUTICAL SECTOR IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES*, 1(1), 147–152.

Retrieved from <https://usajournalshub.com/conferences/index.php/iscrc/article/view/200>

42. Исаева, Ф. Б. (2021). ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ. ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SPECIAL 1).

43. Farida Isaeva. (2021). LEGAL BASIS FOR EVALUATING AND CERTIFYING THE ACTIVITIES OF A CIVIL SERVANT. *International Scientific and Current Research Conferences*, 1(01), 100–106. Retrieved from <http://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/161>

44. Исаева Фарида (2020). Роль Конституции в реформировании государственной службы в Республике Узбекистан и создании ее правовой основы. *Review of law sciences*, 1 (Спецвыпуск), 33-39. doi: 10.24412/2181-919X-2020-1-33-39

45. Khumoyun, S. (2021) “CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW: CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW”, *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 2(1), pp. 118-126. Available at: <https://www.legalreport.tsul.uz/index.php/journal/article/view/52> (Accessed: 2November2021).

46. Feruza Salixova. (2021). THE ROLE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN CUSTOMS. *International Scientific*

and *Current Research Conferences*, 1(01), 118–123. Retrieved from <http://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/165>

47. Салихова, Ф. Т. (2021). БОЖХОНА НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КОНТРАФАКТ ТОВАРЛАРНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SPECIAL 1)

48. Soyipov, K. (2021). ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASPECTS OF THE REDUCTION OF STATE GOVERNANCE IN THE ECONOMIC SPHERE. In *Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference* (Vol. 1, No. 2).

49. Khumoyun, S. (2021). CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW: CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW. *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 2(1), 118-126.

50. Ниязова, Н., Ардатова, Е., & Сойипов, Х. (2021). Обучение языкам как основа развития юридической науки и образования. *Общество и инновации*, 2(2), 137-143.

51. Juraeva, A. (2021, November). STATE RESPONSIBILITY FOR COVID-19 IS CHINA LIABLE. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 151-158). Жураева, А. Б. (2020). PRIOR RIGHTS IN TRADEMARK IN UZBEKISTAN, CHINA AND GERMANY COMPARATIVE STUDY. *ЮРИСПРУДЕНЦИЯ*, 1(1).

52. Ахроров, А. (2021). ТЕНДЕНЦИИ УПРОЩЕНИЯ ПРОЦЕДУР ЛИЦЕНЗИРОВАНИЯ И РАЗРЕШЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. *Збірник наукових праць SCIENTIA*.

53. Akhrorov, A. (2021, April). ENVIRONMENTAL CONTROL OF PUBLIC ADMINISTRATION BODIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. In *International Scientific and Current Research Conferences*.